


# Ҳомиладор бўлишликни назорат қилиш, сунъий урчитиш ва бола асраб олиш (ўн тўққизинчи мақола)



15:02 / 26.10.2020 3955

Шахс ва жамият ҳаётини тартибга солиш, инсониятни икки дунёда бахту саодатга эриштиришга кифоя қилувчи кўрсатма ва меъёрларнинг энг тўғриси Иломдадир. Оилага тааллуқли ҳукмларда ҳам динимиз кўрсатмалари ҳақ эканлигини воқеълик исботлагандир. Энди ҳомиладор бўлишни назорат қилиш, сунъий урчитиш ва бола асраб олиш ҳақида Илом кўрсатмалари билан танишиб чиқсак.

Иломда ҳомиладор бўлишни назорат қилиш ва ҳомиладорликни чеклаш шаръий узрсиз бўлганда жоиз эмас. Илом мусулмонларни наслни кўпайтириш ва уларни тўғри тарбиялашга чақиради. Фарзандлар Аллоҳнинг улуғ неъматлари бўлиб, уларнинг сонини чеклаш, мусулмонларнинг сонини чеклашдек бўлиб қолади. Кўпгина Илом душманларининг ҳам айни истаклари мусулмонларнинг сонини камайитириш ва уларнинг инсоний сифатларини пасайитиришдир.

Исломда иқтисодий тарафларини ўйлаб, таъминлашдан қочиб фарзанд кўрмай юриш, ҳомила бўлиб қолса уни олдириш каби ишлар ҳам мумкин эмас.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

**«Болаларингизни фақирликдан қўрқиб ўлдирманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантирамиз. Албатта, уларни ўлдириш катта хатодир»** (Исро сураси, 31-оят).

Ҳар бир жонга ризқ бериш Аллоҳнинг қўлидаги ишдир. Ҳеч ким ҳеч кимнинг ризқини кўпайтира олмайди ҳам, камайтира олмайди ҳам.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини никоҳланишга, зурриётларни кўпайтиришга ундаган ҳолда бундай марҳамат қилганлар: **«Уйланинглар, албатта мен сизларнинг кўплигингиз ила умматларга фахрланаман ва насороларнинг роҳиблари каби бўлманглар».**

*(Байҳақий ривояти).*

Ҳар бир мусулмон оила қуриши, ўзидан кўпайиши Исломда мақталган ва улуғ савоблар ваъда қилинган ишдир. Насороларда, роҳиблар оила қуриши мумкин эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини бундай нарсадан қайтармоқдалар. Насороларнинг кўпгина роҳиблари нималар қилиб юргани ҳақида дунё ҳамжамияти воқиф бўлиб турибди.

Аммо наслни чеклашдан қайтариқ шаръий узрлар бўлганда ўз кучини йўқотади ва ҳомиладорликни чеклаш жоиз бўлади. Исломда ҳомиладор бўлишликни олдини олишга қуйидаги ҳолатларда рухсат берилган:

- Онага туғиш вақтида зарар етиши мумкин бўлса.
- Ҳомилага туғилиш вақтида зарар етиши мумкин бўлса.
- Она яқинда фарзанд кўрган бўлиб, ўзига бутунлай келиб олмагунча.
- Агар онаси ҳомиладор бўлиб қолса, яқинда туғилган чақалоққа қийин бўлиб қолиши ва эмишдан чиқиб кетиши мумкин бўлса.

Санаб ўтилган бандларни ишончли ва тажрибали тиббиёт ҳодимлари айтиб тасдиқласалар. Бу масалаларда фақатгина уларнинг гапи қабул қилинади.

Ушбу ҳолатларда ҳомиладор бўлишни ман қилувчи турли замонавий воситаларни қўллаш жоиз бўлади.

Ислом дини тараққиёт динидир. Инсониятнинг одимлашига энг катта ҳисса қўшганларнинг кўпгинаси ҳам мусулмонлар бўлганлар. Ислом маълум вақт тушкунликка тушгани сабабли охириги асрларда ўша мусулмонларнинг қолдирган илмий меросларидан фойдаланган ҳолда ғарб вакиллари олдимлаб кетдилар. Сўзларимизнинг исботи сифатида бутун инсоният тарафидан «тиббиётнинг отаси» деб тан олинган Ибн Синони эслаб ўтишимиз кифоя.

Инсоният тараққиёти туфайли тиббиёт ҳам сўнгги йилларда кескин ривож топди. Ҳозирги кунда табиий йўл ила фарзанд кўра олмайдиган оилаларни сунъий урчитиш ила фарзанд кўришларини таъминлашга ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ўринда «Исломда ушбу масала қандай кўрилган?» деган савол туғилади. Келинг ушбу мавзуга боғлиқ Ислом кўрсатмалари билан танишиб чиқсак:

– Ораларида тўлақонли Исломий никоҳ бўлган ҳолда табиий йўл ила фарзанд кўра олмайётган эр-хотин ўзларини даволатишлари шартдир.

– Эрнинг уруғлигини олиб, унинг хотинининг бачадонига солиб қўйиш йўли ила ҳомила орттириш жоиздир. Бунда эр-хотин ораларида тўлақонли Исломий никоҳ бўлиши шарт.

– Ораларида никоҳ бўлмаган эркак ва аёл орасида бундай амалиётни бажариш мутлақо ҳаром бўлиб зинога тенглаштирилгандир.

– Сунъий урчитишнинг ҳаром бўлган кўринишларидан яна бири эр-хотиннинг уруғликларини олиб бошқа аёлнинг бачадонига солиб фарзанд кўришдир.

Кўпчиликда савол туғдирадиган масалалардан яна бири «Ислом фарзанд асраб олишга қандай қарайди?» деган саволдир.

Баъзи оилалар бефарзандлик сабабидан фарзанд асраб оладилар. Баъзилари эса фарзандлари бўлса ҳам фарзанд асраб оладилар. Исломда Аллоҳ розилиги учун фарзанд асраб олиш мақталган ва савобли ишлардандир. Аммо асраб олинган болани «менинг пуштимдан бўлган фарзандим» дейиш, у болага ўзининг номини бериш жоиз эмас. Мисол учун асраб олинган болани асраб олган отага нисбат бериб «фалончи ўғли» дейиш мумкин эмас. Зеро, Исломда инсониятнинг насл-насабини сақлашга

буюрилиб, унинг аралашиб кетиши, эътиборсиз қолдирилишидан қайтарилган.

Шунингдек асраб олинган фарзандга уни асраб олган ота-она Исломи тарбия беришлари, гўзал суратда парваришлари лозимдир.

Асраб олинган фарзанд ўғил бўладими, қиз бўладими уни асраб олган ота-онанинг қариндошларига шаръий ҳукмлар жиҳатидан бегона каби бўлади. Масалан асраб олган отанинг синглиси унга номаҳрам бўлади. Аслида эса амама маҳрам ҳисобланади. Асраб олинган фарзанд уни асраб олган ота-онанинг қариндошларига маҳрам бўлиши учун уни асраб олаётган она эмизиши, онанинг эмизиш имконияти бўлмаса бирор бошқа маҳрам эмизиши керак бўлади. Шунда асраб олинган фарзанд эмишлик орқали маҳрам бўлади.

Фарзанд асраб олишни ният қилган оилалар динимизнинг ушбу кўрсатмаларини билиб олгач режаларини амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

***Афзал Аброр таржимаси***